



Ishonch

Моҳият

Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада тугилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Хурматли меҳмонлар!
Бугун — барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бугун мамлакатимизда муборак айём, унгулмас тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами.

Бундан йигирма йил муқаддам биз юртимизда мустақилка зулми ва қарамлик даврига барҳам бериб, асрлар давомида халқимиз интилиб келган эркин ва озод ҳаёт қуриш йўлида тарихий тараққийнинг янги босқичига қадам қўйдик.
Биз учун энг буюк ва энг азиз бўлган ана шу қутлуг байрам билан сиз азизларни, сизлар орқали бугун халқимизни чин қалбимдан табриклар, юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан чексиз бахтиёрман.

Ўзининг неча минг йиллик кўрна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улуг сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолажак.

Мухтарам дўстлар!
Биз ўтган давр мобайнида мустақилликка эришиб, эркин нафас олиб, ўз тақдир ва келажагини ўз қўли билан қуриш жаҳондаги биронта халқ, биронта мамлакат учун ҳеч қачон, ҳеч қаврда осон бўлмаган, деган аччиқ ҳақиқатни ўз ҳаётимиздан ўтказдик, ўз мисолимизда чуқур англадик.
Дарҳақиқат, бугун вақт ўтиши билан юртимизда ўзини оқламаган, эски мустабид тузум асоратлари ва занжирларидан озод бўлиш нақадар оғир кечганини, истиқлол арафасида республикамиздаги вазият тобора кескинлашиб, таҳликали ва ўта хавфли тус олганини ана ва ана бир бор ўзимизга тасаввур қилишимиз ўринли бўлади.

Бирёқлама ривожланган, фақат ҳошаёб етказиб беришга, мутлақ пахта яққоқимчилигига асосланган иқтисодий тартибга эга бўлиб, биронта аҳолининг сабр-қосаи тўлиб, ўлкамиз жар ёқасига, портлаб кетиш ҳолатига етиб борганини, одамларимизнинг таъминоти, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш муаммолари нақадар ўткир бўлиб турганини эслайдиган бўлсак, айни шу йиллардаги мавжуд вазият бугун мураккаблиги билан аён бўлади.

Бугун бир ҳақиқатни сира иккиланмасдан, балинд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор: истиқлол йўлида қандай суронли қўиларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келмасин, юртимизга нисбатан қандай хуруж, зуғум ва пўписалар бўлмасин, биз энг оғир ва машаққатли дамларда ҳам мустақиллик гоёсига содиқ қолиб, Ўзбекистон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўлиб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этишнинг биринчи қўилардан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш — бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қуриш ва мустаҳкамлаш, халқро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозонишдан иборат эканини тереан англаб олдик.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўли эса барчамизга яхши маълум: бу — ўзимизнинг ер ости ва ер усти бойликларимиздан, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятимиз, куч-қудратимиздан фойдаланиб, кўпни кўрган, меҳнаткаш халқимизнинг ақл-заковати, ғайрат-шижоҳига ва халқро ҳамжамият ҳамкорлигига таяниб, дунёдаги замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидир.

Аҳолиимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини янги, юксак босқичга кўтариш, шу мақсадда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, либераллаштириш ва модернизация қилиш, ушбу жараҳатларнинг суръатини имкон даражасида тезлаштириш — биз учун энг маъбул йўлидир.
Айни шу йўл йигирма йиллик янги тарихимиз давомида ҳар томонлама ўзини эълан, исботлаб берган, жаҳонда «Ўзбек модели» деб ном олган энг тўғри йўл, десам, мана шу муқаддас майдонда ўтирган сиз азизларнинг, кенг жамоатчилигимиз, бугун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламиз.

Ўтган давр мобайнида биз эришган юксак марралар ҳақида узоқ гапириш, қўлаб рақамларни олиб келиш мумкин. Шулар қаторида Ўзбекистон иқтисодий йигирма йил мобайнида қилиб 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсгани, аҳолининг ялпи даромади тахминан 9 марта ошгани бизнинг мустақиллик йилларида қандай улкан марраларни қўлга киритганимизни намоян этмоқда.

Жаҳон молвий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётганига қарамастан, Ўзбекистонимизнинг ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари охириги беш йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида ўртача 8,5 фоиздан ташкил этгани ва бу йил ҳам ундан кам бўлмаслиги қўлаб-қўлаб иқтисодий тартибимизнинг изчил ва барқарор ривожланиб, тараққий топаётганини яққол далиллади.

Истиқлол йилларида иқтисодий соҳа учун давлат харажатлари 5 баробардан зиёд қўлайгани, унинг 60 фоиздан кўпроги соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам дунё миқёсида камдан-кам учрайдиган кўрсаткич бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз авваламбор инсон ҳаётини, унинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганини ҳар томонлама исботлаб беради.

Айнан шу асосда йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ қамайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узашиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани, бугунги кунда аҳолимиз сони 28,5 миллион кишини ташкил қилаётгани, ҳеч шубҳасиз, буни ана бир бор тасдиқлаб беради.

Азиз дўстларим, биродарларим!
Биз қўлга киритган бу юксак марраларнинг илдизи, замини нимада, деган саволга ҳар биримиз ҳеч иккиланмасдан, буларни барчасининг замирида аввало мустақиллик деб аталган бебаҳо ноъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган онгу таваққур, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари мужассам, деб қатта гурур ва ифтихор билан айтишимиз табиийдир.

Бугун мана шу саховатли заминда «Ўзбекистон — ягона уйимиз» деб яшаётган, қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вақили бўлмасин, барча юртдошларимиз Ватанимизни қўлаб қиритган ютуқлар, эришган марраларда менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам бор, деб бошини балинд кўтариб, марғурлашиб гапиришга тўла ҳақлиқдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.
Мана шу юксак минбардан туриб, бизга доимо хайрихўш бўлиб, қўлаб-қувватлаб, ёрдам ва кўмак бериб келётган дўсту биродарларимизга, юртимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизгин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва раванг тилашга руҳсат бергaysiz.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муваззам майдонда жам бўлган хоржий давлатларнинг элчилари ва халқро ташкилотларнинг вакиллари, барча азиз меҳмонларимизга, бизнинг бугунги байрамимиз — сизларнинг ҳам байрамингиздир, деб, уларни чин юракдан қутлаб, самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни ижор этсак, айни мудоаб бўлади.

Қадрли юртдошлар!
Истиқлол бизга берган бебаҳо бойлик ва имкониятлар, эришган натижаларимиз ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Айни вақтда мустақиллик тарихига эсло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзилган улкан марраларимизга қаторида шундай буюк бир ютуғимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.
Мен буни замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва барқамол авлодимиз тили-сотида кўраман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азму шижоҳини намоян этиб ўтирган, менинг фарзандларим бўлган сиз ўғил-қизларимга, сизлар орқали бугун юртимиз ёшларига қарата айтмоқчиман:
Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада тугилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин.
Не-не оғир синовлар, тўфон ва суронларни бошдан кечириб, қанча-қанча қурбонлар бериб, она юртимизни омон сақлаган, бизга безавол етказган аждодларимиз, ота-боболаримизнинг бу йўлда қандай қатта меҳнатлари сингганини ҳеч қачон унутмаслик, уларнинг хотираси ва ҳурмати жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзандир.
Мана шундай ҳиссиётларни қалбдан ўтказиб, барчамиз учун яққо ягона бўлган Ватанимизни янада гуллатиб-вшнатиш, унинг ёруғ ва фаровон келажаги учун бугун борлигимизни бағишлаб, керак бўлса, жонимизни фидо этишга ҳам тайёр бўлиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, сиз аса фарзандларимизнинг дилида булган олижаноб туйғуларни ифода этган бўламиз.
Азиз дўстларим, қадрли ватандошларим!
Бугунги улуг айёмнинг муборак Рамазон ҳайити билан айнан бир пайтта тўғри келгани ҳам Яратганимизнинг эл-юртимизга кўрсатган ана бир инояти ва марҳамати, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўйиласиз.
Барчамизга бағримизга босиб, Мустақиллик байрами билан, Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан муборакбад этиб, ҳаммамизга сизат-саломатлик, бахт ва омад, хондонларингизга файзу барака тилайман.
Буюк ва муқаддас Ватанимиз мангу бор бўлсин!
Юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, халқимиз омон бўлсин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Буюк ва муқаддас ватаннинг улуг байрами

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди



2-бет



Ўзбекистон иқтисодий қудрати ва бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир ифодаси

Президентимиз Ислом Каримов 28 август кун Тошкентдаги автомобил двигателлари ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ва аэровокзалда амалга оширилган ишлар билан танишди

Истиқлолнинг ҳар бир йили улуг бунёдкорлик ишлари, мамлакатимизнинг ҳар томонлама юксалиш доволари билан мустақил Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган илчил ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти юксалаётгани, халқро майдондаги нуфузи, халқимиз фаровонлиги тобора ошаётгани ва одамлар турмуш тарзидаги улкан ижобий ўзгаришларда буларнинг барчаси яққол ифодасини топтомоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини ҳам халқимиз беқиёс ўзгаришлар, қўлаб қиритилган қатта ютуқлар, мамлакатимиз қудратини дунёга танитадиган улкан яратувчанлик ишлари билан қутиб олмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов гоёси ва ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳудудида барпо этилган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси, Тошкент аэропорти маҳаллий авиалинияларининг янги аэровокзали ҳам энг улуг, энг азиз байрамимизга муносиб тўхфа бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов 28 август кун «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонасига таширф буюрди ва унинг фаолияти билан танишди.


Мазкур йирк қўшма корхонага давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хоржий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасини ташкил қилишга оид қарори асосида пойдевор қўйилган эди. Умумий қиймати 521,8 миллион АҚШ долларини ташкил қиладиган ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида ўтган қисқа вақт ичида юртимизда ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилди. Бундай корхоналар дунёнинг санокли мамлакатидигана мавжуд.

Янги корхона 40 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, шундан 44,7 минг квадрат метрида бевосита ишлаб чиқариш қувватлари жойлашган.

Қўшма корхонада йилига 1,5 литр (115 от кучига эга) ва 1,2 литр (82 от кучига эга) сифимдаги 225 минг донна ВДОНС янги авлод двигателлари ишлаб чиқарилади. Кичик ҳажмдаги двигателларнинг бу янги авлодлари «General Motors» томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу компаниянинг глобал моделларига ўрнатилади. Корхона маҳсулотларидан нафақат Ўзбекистондаги, балки «GM»нинг глобал тармоғига кирувчи хоржийда бошқа автомобилсозлик корхоналари ҳам фойдаланади. Ҳозирнинг ўзидаёқ «General Motors Powertrain Uzbekistan»га «GM»нинг глобал тармоғидаги ўнга яқин автомобил йиғувчи корхоналардан буюртмалар тушгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

(Давоми 2-бетда)

Фидойилар хотирасига эҳтиром



Шонли йигирма йиллигини нишонлаётганимиз Мустақилликнинг ҳар бир йили, ҳар бир кун халқимиз учун нақадар азиз ва муътабар экани бугун шу муқаддас Ватанда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётини ўз ифодасини топтомоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг номлари тикланди, хотираси абадийлаштирилди. Пойтахтимизда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бунёд этилгани, 31 август юртимизда Қатагон қўрбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонлашни халқимизнинг ана шундай асл фарзандлари хотирасига кўрсатилаётган чуқур эҳтиром ифодасидир.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида «Шаҳидлар хотираси» хиббони зиёратчилар билан янада гавжумлашади. Бу ерга ташриф буюрган киши тарихий хотира туйғусини, эзгулик ва адолатнинг боқийлигини, хуррият ва озодлик неъматларининг қадрини янада чуқур хис этади. Бугунги тинч ва осойишта кунларга, инсон қадр-қиммати улугланидиган буюк ва муқаддас юрда яшаётганига шукроналар келтиради. Ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ қўларимизнинг қадрига етиб яшашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди.

31 август. Тонг. «Шаҳидлар хотираси» хиббониди халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросими ўтказилди. Анъанага кўра ош тортилди. Қурьон тиловат қилиниб, қатагон қўрбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

(Давоми 3-бетда)

Яна Самарқанда кўришгунча!



Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали якунланди

Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма йиллик қутлуги тўйи арафасида кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд қўшалок байрамлар шукхи билан яшайди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан буйан анъанавий равишда ўтказилган келинаётган бу галги фестивалда ер юзининг барча қишлоқларидан — 56 давлатдан санъаткорлар иштирок этиди. Улар қарийб бир ҳафта давомида Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони, «Ёшлик» ва «Сўғдиёна» истирохат

боғларидаги саҳналарда, Ургут, Самарқанд, Тайлок, Пастдарғом, Пайариқ ва Жомбой туманларида ўз истеъдодини намойиш этиди. Ватан, тинчлик ва дўстлик, муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи турли хил тиллардаги куй-қўшиқлар янради. Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида давлатимиз раҳбарининг иштирок этиши ва ўз табриғида мусиқа, унинг оҳанг ва тароналари, мумтоз куй ва қўшиқлари тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, ер юзидоғи барча халқларни бирлаштирадиган, авваллабор, ёш авлоднинг онги ва қалбидоғи чуккур акс садо берадиган гоёта таъсирчан васыла деб баҳолаш анжуман қатнашчиларини янада рухлантирди.

Муаззам майдондаги амфитеатрда халқаро мусиқа анжуманининг тантанали ёпилиши муносабати билан фестивал иштирокчилари, меҳмонлар ва санъат ихлосмандлари жам бўлган.

Фестивал қатнашчилари бугун жаҳонда турли хавф-хатарлар, молиявий-иқтисодий инқироз, глобал муаммолар чигаллашган мураккаб бир пайтда мазкур мусиқа анжуманининг юқори савияда ўтказилгани учун давлатимиз раҳбари Ислам Каримовга миннатдорлик изҳор этишди. Халқаро анжуман кунларида иштирокчилар миллий санъатимизнинг тарихи ва анъаналари, бугунги кундаги ривожини билан яқиндан таниш-

дилар. Илмий конференция, миллий қолғу асбоблари, фотосуратлар, хунармандчилик буюмлари кўргазмалари орқали халқимизнинг бой миллий маданияти ва қадриятлари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлдилар.

Самарқанднинг дунёга машҳур обидалари ва муқаддас қадимжолари, мустақиллик йилларида бунёд этилган замонавий бино ва иншоотлар, боғ ва хиёбонларни томоша қилиш жараёнида меҳмонлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тарихан қисқа вақтда асрларга татигуллик улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини эътироф этиди. Айниқса, ёш авлод таълим-тарбиясига юксак эътибор қаратилиб, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданияти дурдоналаридан баҳраманд бўлиб вояга етишларига хизмат қиладиган кўплаб замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатаётгани фестивал қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. ...Хаяжонли лаҳзалар бошланди.

«Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивалининг голиби ва совриндорлари эълон қилинди. Олий мукофот — Гран-при Жанубий Кореянинг «Содо-содо» гуруҳи санъаткорларига насиб этди. Хитой Халқ Республикаси ва Литва вакиллари биринчи, Ўзбекистон, Россия ва Эрон санъат усталари иккинчи, Туркманистон, Грузия ва мадагаскарликлар учинчи ўринга сазовор бўлди. Фестивалнинг энг фаол иштирокчиларига турли номинациялар бўйича ЮНЕСКОнинг махсус мукофотлари топширилди. — Олтмишга яқин давлат вакиллари орасида голиб чиққанмиздан чексиз хаяжондамиз, — дейди фестиваль голиби «Содо-содо» гуруҳи раҳбари Пак Жон Ук. — Бу эътирофни халқимизнинг миллий санъатига берилган юксак баҳо деб биламан. Фестивал кунларида ер юзининг сайкали ҳисобланган Самарқандни томоша қилиш, унинг гўзаллигини баҳраманд бўлиш ва самимий, очик-қалб равишда таниш билиш билан қўшниқликнинг имконияти яратган ташкилотчилардан миннатдоримиз. Бу


ерда ўтган ҳар бир кун унутилмас, ҳайрату ҳаяжонларга бой бўлди. Биз юртингизга яна келишни, ушбу муаззам майдонда миллий санъатимизни намойиш этишни ният қилиб, Самарқанд билан хайрлашамиз. Фурсатдан фойдаланиб, бугун Ўзбекистон халқини давлат мустақиллигининг қутлуги йиғирма йиллиги билан табриқлаймиз.

Маросимда фестивал голиблари ва юртимиз санъат усталари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Фестивал байроғи туширилди. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжумани иштирокчилари Икки йилдан сўнг яна мафтункор Самарқандда учрашиш нияти билан самимий хайрлашдилар.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов ва Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этиди.

Ғолиб ХАСАНОВ, Уза махсус мухбири, Алишер ИСРОИЛОВ (Уза) олган сурат.



«Афросиёб» — тараққиёт тимсоли

Пойтахтимизда 30 август кунини Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи биринчи, «Афросиёб» электропоездлари қатнови йўлга қўйилишига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Анжуманда мамлакатимизнинг тегишли вазирилари, идора ва ташкилотлари, Исланиянинг «Patentes Talgo» компанияси, бир қатор хорижий мамлакатлар темир йўл компаниялари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. «Ўзбекистон темир йўлилари» давлат акциядорлик компанияси раиси Очилов Раматов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Транспорт-коммуникация тизими инфраструктурасини ривожлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Қисқа муддатда Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юксак технологияли, юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электропоездлари қатнови йўлга қўйилиши ана шу гавмилик ва эътибор самараси, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг яна бир намоёни бўлди.

Исланиянинг «Patentes Talgo» компанияси бошқаруви раиси Хосе Мария Ориол Фабра Ислания ва Ўзбекистон темир йўли соҳаси мутахассислари ҳамкорлигининг амалий махсули бўлган ушбу лойиҳа Ўзбекистонда транспорт-коммуникация ҳамда сайёҳлик соҳаларининг янада тараққиёт этишига хизмат қилиши билан бирга мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшишини таъкидлади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма йиллиги муносабати билан Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонида асосан Ўзбекистон билан икки томонлама ва кўп томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий, илмий-таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фаол ва самарали фаолиятни учун компания президенти Карлос Паласио де Ориол «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан тақдирлангани чуккур мамнуният билан қабул қилинганини таъкидлади ва бундай юксак эътироф учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик изҳор этди.

«Афросиёб» локомотив депоси ҳудудида «Афросиёб» электропоездларини техник кўриқдан ўтказиш, техник ва сервис хизмати кўрсатишга мўлжалланган цех барпо этилди ҳамда замонавий асбоб-анжомлар, ускуналар билан жиҳозланди, зарур қисмларнинг дастлабки партияси келтирилди. Тошкент ва Самарқанд вокзалларида реконструкция ишлари амалга оширилди, замон талабларига жавоб беришчи вазиқлик ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизими яратилди.

Тошкентнинг 26 август кунини «Афросиёб»нинг Тошкент — Самарқанд — Тошкент йўналиши бўйича дастлабки қатнови амалга оширилди. Фахрий темирйўлчилар, маҳаллар фаоллари, нуруний отахан ва онахонлар ҳамда мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари ушбу тарихий режайини йўловчилари бўлишди.

Ушбу замонавий электропоездни биринчи бўлиб бошқариш бахтига мушарраф бўлганидан жуда хурсандман, — дейди биринчи тоққали машинист Равшан Анорбоев. — Ҳаётимизда унутилмас ушбу юксак мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида рўй берадиган Президентимиз Ислам Каримовнинг биз, ёшларнинг пухта таълим-тарбия олишимиз, ўз истеъдод ва иқтисодимизни Ватанимиз равнақига йўлдош сафарбар этишимиз, ҳеч қандам кам бўлмағилимизни йўлдош кўрсатаётгани доимий гавмилик ва эътибори самарасида озу-ниятларимиз ушаммоқда.

Тошкент — Самарқанд участкасида темир йўли юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар ҳаракатини ташкил этишга мослаштириш ишлари жараёнида соҳанинг вазиқлик ва фаолият хизмат кўрсатиш каби энг асосий қондиларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда тегишли лойиҳалар ва норматив ҳужжатлар «Тоштемирйўлчи» масъулият чекланган жамияти, «Боштрансойиҳа» очик акциядорлик жамияти, Тошкент темир йўли транспорти муҳандислари институти ҳамда Москва ва Санкт-Петербургдаги ихтисослашган лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилди.

Тошкент — Самарқанд участкасида темир йўли юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар ҳаракатини ташкил этишга мослаштириш ишлари жараёнида соҳанинг вазиқлик ва фаолият хизмат кўрсатиш каби энг асосий қондиларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда тегишли лойиҳалар ва норматив ҳужжатлар «Тоштемирйўлчи» масъулият чекланган жамияти, «Боштрансойиҳа» очик акциядорлик жамияти, Тошкент темир йўли транспорти муҳандислари институти ҳамда Москва ва Санкт-Петербургдаги ихтисослашган лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилди.

Тошкент — Самарқанд участкасида темир йўли юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар ҳаракатини ташкил этишга мослаштириш ишлари жараёнида соҳанинг вазиқлик ва фаолият хизмат кўрсатиш каби энг асосий қондиларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда тегишли лойиҳалар ва норматив ҳужжатлар «Тоштемирйўлчи» масъулият чекланган жамияти, «Боштрансойиҳа» очик акциядорлик жамияти, Тошкент темир йўли транспорти муҳандислари институти ҳамда Москва ва Санкт-Петербургдаги ихтисослашган лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилди.

Тошкент — Самарқанд участкасида темир йўли юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар ҳаракатини ташкил этишга мослаштириш ишлари жараёнида соҳанинг вазиқлик ва фаолият хизмат кўрсатиш каби энг асосий қондиларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда тегишли лойиҳалар ва норматив ҳужжатлар «Тоштемирйўлчи» масъулият чекланган жамияти, «Боштрансойиҳа» очик акциядорлик жамияти, Тошкент темир йўли транспорти муҳандислари институти ҳамда Москва ва Санкт-Петербургдаги ихтисослашган лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилди.

Тошкент — Самарқанд участкасида темир йўли юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар ҳаракатини ташкил этишга мослаштириш ишлари жараёнида соҳанинг вазиқлик ва фаолият хизмат кўрсатиш каби энг асосий қондиларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда тегишли лойиҳалар ва норматив ҳужжатлар «Тоштемирйўлчи» масъулият чекланган жамияти, «Боштрансойиҳа» очик акциядорлик жамияти, Тошкент темир йўли транспорти муҳандислари институти ҳамда Москва ва Санкт-Петербургдаги ихтисослашган лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилди.

Тошкент — Самарқанд участкасида темир йўли юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар ҳаракатини ташкил этишга мослаштириш ишлари жараёнида соҳанинг вазиқлик ва фаолият хизмат кўрсатиш каби энг асосий қондиларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда тегишли лойиҳалар ва норматив ҳужжатлар «Тоштемирйўлчи» масъулият чекланган жамияти, «Боштрансойиҳа» очик акциядорлик жамияти, Тошкент темир йўли транспорти муҳандислари институти ҳамда Москва ва Санкт-Петербургдаги ихтисослашган лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилди.

Фидойилар хотирасига эҳтиром

(Давоми. Боши 1-бетда) Мамлакатимиз ўзининг мустақил тараққиёт йўлидан борар экан, тарихий адолат қарор топди. Халқимизнинг миллий ва маънавий дунёсини юксалтириш ана шу тарихий ҳақиқат, аҳддорларимизнинг кўрсатган жасорати ва матонати, фидойилиги тимсолида амалга оширилаётгани алоҳида аҳамият касб этади. Бу бугунги фаровон ҳаётимиз, хотиржам ўтказайтган кунларимиз, юртимиздаги тотувлик ва бирдамликни асраб-авайлаш, қадрига етишда фарзандларимиз учун катта ибрат мактабидир.

Ёшлар ўз юртини севиши учун аввало ота-боболарнинг жасоратини, ҳозирги ёруғ кунларга қандай машаққат ва қийинчиликлар эвазига эришилганини теран англаши, шунга муносиб бўлиши лозим, деди Президентимиз.

Биз истиқлолнинг дастлабки кунлариданқоқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Йиғирма йиллик тараққиёт йўлимизга назар солсак, олдимизга қўйган ана шу олий мақсадларга эриштиш, том маънода буюқ давлат барпо этиш йўлида қандай улкан қадамлар қўйилганини кўриш, сезиш қийин эмас. Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича қатнай бошлаган теъзорар поезди истиқлолимизнинг йиғирма йиллиги нишонланаётган кунларда халқимизга муносиб тўғрға бўлди. Бир пайтлар бундай замонавий, соатига 250 километр тезликда ҳаракатланадиган поездларнинг заминимизда юриши, ундан халқимиз фойдаланишини кўпчилик тасаввурига ҳам сиғдирилмасди.

Тарихан қисқа даврда биз ана шундай бетимсол ютуқларга эришмоқдамиз, деди давлатимиз раҳбари. Бугун бундай поезд дунёнинг бор-йўғи саккизтагина давлатида бор. Истиқлол туфайли Ўзбекистон ҳам ана шундай жуда кам сонли илғор мамлакатлар сафидан жой олди. Бу нафақат темирйўлчиларимизнинг, балки бугун халқимизнинг ютуғидир.

Кўлаги киритаётган ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маданият ва салоҳиятга эга халқ эса янги-янги марраларни қўлга киритаверади, деб таъкидлади Ислам Каримов. Ўтган йиғирма йил мубайнида халқимизнинг онгу таваққури бугундай ўзарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги шарт-шароитда ҳаёт кечиришга ўрганган. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимизга қўйган, биз ҳеч қимдан кам бўлмаганми, кам эмасми, кам бўлмайми ҳам, деган ҳаётий мақсаднинг амалдаги ифодасидир.

Мустақил Ўзбекистонимизни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш, халқимиз учун бундан ҳам юксак даражадаги шарт-шароитларни яратиш бизнинг эзгу мақсадимиздир, деди Президентимиз. Ўзини шу муқаддас Ватанининг келажаги учун даҳлдор деб биладиган ҳар бир инсон бунин нафақат яхши англайди, балки шунга ўзининг муносиб хиссасини қўшади. Муқаддас айёмларнинг қўшалок келиши ҳам юртимизга ёғилаётган хайр-бароқа, эртанги кунга бўлган ишонч ифодасидир.

Фаровонлик ва юксалиш ифодаси

Аҳолига замон талабларига мос, сифатли транспорт хизмати кўрсатиш мамлакат тараққиёти ва фаровонлигининг муҳим белгисидир. Мустақиллик йилларида бу йўналишда юртимизда, айниқса, Тошкент шаҳрида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самараси бугун пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг қўндалик ҳаётини ўз ифодасини топмоқда.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси маълумотларига қара, уюшма корхоналари томонидан ҳар кун автобус, трамвай, метрополитен воситасида 1,8 миллион нафардан ортик йўловчи ўз манзилларига етказиб қўйилмоқда. Илгари кўплаб йўналишларда фақат бир транспорт тури қатнаган бўлса, бугун бу рақам камида уchtани ташкил этади.

Бу жараёнда йўловчиларга хизмат сифати муттасил оширилиши билан бирга, корхоналар мунтазам равишда замонавий транспорт воситалари билан таъминланмоқда. Хусусан, халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами арафасида Чехиянинг «Pragoimex a.s.» компаниясида ишлаб чиқарилган, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган, замонавий «Vario LF» русумли янги трамвайлар хизматининг йўлга қўйилгани бунинг далилидир.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасида мазкур янги трамвай вагонлари тақдимоти бағишланган йиғилишда ана шулар ҳақида гап борди. Тадбирда соҳа раҳбарлари ва мутахассислари, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Акмал Камолот, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси Шомирход Муҳаммаджонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда транспорт-коммуникация соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилиш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиши борақорор тизими шаклланишини таъкидлади. Бу жиҳатлар ер устида йўловчи ташувчи электр транспорти салоҳиятини юксалтириш йўлидаги ишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган



«2011-2015 йилларда инфратузилдими, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»-ги қарори бу йўналишдаги ишларни янги боқсқига кўтаришда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳридаги трамвай линияларида кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Пойтахтимизда барпо этилган ва такимиллаштирилган трамвай линиялари учун Чехиянинг «Pragoimex a.s.» компаниясида ишлаб чиқарилган «Vario LF» русумли 20 трамвай вагонини харид қилиш кўзда тутилган. Мазкур янги трамвайларнинг дастлабки иккитаси халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами арафасида Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсата бошлады.

Мутахассисларнинг фикрича, Европа стандартларига тўла жавоб берадиган мазкур янги трамвайлар замонавий дизайн ва юқори сифати билан ном қозонган. Улар замонавий электрон бошқарувага эга, электр

энергиясини 30-40 фоизгача тежайди. Қолаверса, 40 даража совуқдан 70 даража жазирамагача бўлган иқлим шароитида, электр тармоғида эса 400 вольтдан 900 вольтгача электр токи камайган ҳолатда ҳам бир текис ҳаракатланаверади.

— Ўзбекистон ҳар томонлама юксак суратлар билан ривожланаётган санокли мамлакатлардан биридир, — дейди Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элчиси вазиқасини бажарувчи Роман Масарик. — Бу, айниқса, шахарсозлик борасидаги ишларда яққол намоён бўлади. Тошкент кўчаларида замонавий трамвайларни қўриш бизга катта мамнуният бағишлайди. «Vario LF» трамвайлари мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам ва ишончли дўстлик ва ҳамкорликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Хужаев сўзга чиқди.

Умид ЁҚУБОВ, Уза мухбири

Сўз — Қахрамон
замондошимизга

Мамлакатимиз мустақил деб эълон қилинганини чўлдаги ўзлаштирилган далаларда юрганимда эшитганман. Ушанда собиқ Каюм Муртазов номи жамоа хўжалигида бригада бошлиғи эдим. Ҳаёт аста-секин ўзгара борди. Жамоа хўжаликлари ширкат хўжалигига айлантирилди. Дехқончилик ишларида оилавий пудрат ташкил этилди. Бу тизим ҳам «ваколат»ни ўтагач, фермерликка кенг йўл очилди. Эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлган қишлоқ мулкдорларининг бир гайратига ўн гайрат қўшилди. Давр тақозоси билан мен ҳам «Бухоро» ширкат хўжалигини 11 йил бошқаргач, 2007 йилда фермерлар сафига қўшилдим. Жаннатмонанд юртинг оқидий қишлоқ фарзандиман. Ҳаётим дехқончилик билан ўтапти. Унинг ўзига хос машаққатлари бор, албатта. Бироқ, кишида матонат, ирода бўлса, ютуқлар ўзини куттириб қўймас экан. Бунинг исботини ўз фаолиятимда қўриб келяпман.

Миллиард
сўмнинг
ҳисоб-китоби

Фермер хўжалигимиз Қизилқум даштларига туташ Султонобод массивида жойлашган. Умумий майдонимиз сатҳи 1180 гектар. Шундан 494 гектарини сугориладиган майдонлар ташкил этади. 80 нафар аъзо ризқ-рўз яратиш билан машғул. Қишинг қаҳратони, ёзинг жазирамаси ҳар йили дехқонларимизни синовдан ўтказди. Сувга талаб ниҳоятда катта. Шунга қарамай 468 гектар майдонда галла ва пахта етиштирамиз. 5 гектар полиз, 2 гектар सबзаот майдонимиз бор. Мустақилликнинг 20 йиллиги шарафига 2 гектар мевали боғ ва узумзор ташкил этиб, умумий боғ-чорбоғлар сатҳини ҳам 5 гектарга етказдик.

Ҳар қандай муваффақият иқтисодий самардорлик билан ўлчанади. Хўжалигимизнинг ўтган йилги даромади 740 миллион сўмга етди. Унинг 188 миллион сўмини соф фойда ташкил этади. Бу йилги даромадимиз бир миллиард сўмдан ошиши кутилмоқда. Жорий йилда минг тоннадан зиёд галла етиштирдик. Давлатга 700 тонна уруғлик дон сотдик. Мева, सबзаот, полиз маҳсулотлари кутилганидан зиёд бўляпти. Пахтанинг ҳам чўғи ёмон эмас. Бултур давлатга 434 тонна «оқ олтин» сотиб шартнома режасини ошириб бажарган бўлсак, жорий йилда ушбу кўрсаткични 600 тоннага етказишга ҳаракат қиляпмиз. Хўжалигимизда қишлоқ хўжалигининг биз учун керакли барча турдаги замонавий техникалари мавжуд.

Эндиликда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ҳам ривожлантириш чораларини кўряпмиз. Эзгу мақсад йўлида меҳнат қилаётган аъзоларимизга ҳар томонлама ғамхўрликни кучайтиряпмиз. Уларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш, дам олиш шароитларини яхшилаш, оила фаровонлигини таъминлаш учун қўлимиздан келган барча ишларни қиляпмиз.

Айтмоқчиманки, биз меҳнати қадр топадиган юртда яшайпмиз. Зеро, ҳар қанча фидойилик ҳаётимизга қўт-барака, эл-юртга фаровонлик бўлиб қайтишини ўз кўзимиз билан кўриб, билиб турибмиз.

Азим ЛАТИПОВ,
Ўзбекистон Қахрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Шофиркон туманидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари

Касаба уюшма нишондорлари

1991 йилнинг 31 августи Жумабой Қозоқов хотирасида бир умрга муҳрланиб қолган. Уша кунини у халқ депутати сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши сессиясида иштирок этаётган эди. — Президент Ислом Каримов мамлакатимизни мустақил дея эълон қилди. Ҳаяжонланганимдан бир зумга қарахт қолганим рост, — дейди суҳбатдошимиз ўша шуқуҳли дамларни ёдга олар экан: Ахир толе бундай иноятни ҳаммага ҳам лойиқ кўравермайди. Мансаб инсонни эмас, инсон мансабни бейайди деган нақл бор. Атрофдаги воқеаларни кузатиш жараёнида бунга қўл бор гувоҳ бўлганмиз. 13 йилдан буён АСМ ходимлари касаба уюшмаси Гурлан туман кенгаши раиси вазифасида ишлаб келаётган Жумабой Қозоқов ҳаёти бунга бир мисол.

— Касаба уюшмалари — улкан куч. Бу тармоқда фаолият кўрсатаётган киши, энг аввало, буни ҳис қилиши ва зиммасидаги масъулиятни уддалай олиши лозим. Биз меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилямиз. Демак, элдошларимиз номидан иш кўрамиз, — дейди Жумабой ака.

У кишининг ўзи бу тамойилга қатъий амал қиладди. Йилнинг ўтган даврида жамоа шартномаларида кўрсатилган имтиёзларни бажариш учун 211760,8 минг сўм сарфланди. Бу рақам жамоа шартномасидаги имтиёзларни кафолатлаш учун сарфланаётган маблағ миқдори йилдан йилга ортиб бораётганини кўрсатади. Ўтган йили ҳар бир ишловчи кўрсатилган имтиёзлар ўртача 15017 сўмдан

«Яхшилик қарздорман»

тўғри келган эди. Бу йил ушбу кўрсаткич 25175 сўмни ташкил этди. — Аммо бу қаноат ҳосил қилишимизга сабаб бўлмайди, — дейди кенгаш раиси. — Жамоа шартномалари шартларини тўла бажармаётган корхона ва хўжалик раҳбарлари ҳали ҳам ўчраб туради. Бунга эса касаба уюшма қўмиталарининг эътиборсизлиги сабаб. Шу боис бошланғич ташкилотларимиз етакчиларини ҳар доим масъулиятли

бўлишга ундаймиз. Уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш чораларини кўряпмиз.

Гурлани катхудолар эли дейишди. Гулимат Ҳайитмбетов ҳам ана шундай инсонлар тоифасидан. Жумабой ака у киши етакчилик қилаётган «Ҳайитмат ота» фермер хўжалиги фаолияти ҳақида илиқ фикрлар билдирди.

— Фермер хўжалиги ҳудуди 136,3 гектардан иборат бўлиб, 81 нафар ишчи меҳнат қиладди. Хўжалиқда иш берувчи билан ишловчилар ўртасида жамоа шартномаси кўприк вазифасини ўтамоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Жумабой Қозо-

қов бошланғич касаба ташкилоти ҳақида ҳужоа қиларкан. — Жамоа шартномасида кўрсатилган имтиёзларни бажариш учун йилнинг ўтган даврида 2135,8 минг сўм сарфланган.

Кенгаш раиси туманда бу каби иқтисодий бақувват фермер хўжаликлари сафи ортиб бораётгани, уларда ишчи-хизматчиларга тобора кенгроқ ва кўпроқ шарт-шароитлар яратилаётгани ҳақида гапирди.

қилди.

— Бугун дехқон чорвадорларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этмоқдалар. Юртдошларимиз дастурхонига мўл-қўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериб, турмуш фаровонлигини таъминламоқдалар. Ортганини эса қайта ишлаб, чет элларга экспорт қиляптир. Булар албатта истиқлол шарафатидан, — дейди Жумабой Қозоқов.

2009 йили Жумабой Қозоқов фидокорона меҳнатлари эвазига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди. Жумабой ака ўз ютуқларини қисқа

латбой Қараевга касаба уюшма маблағлари ҳисобидан бепул қорамол олиб бердик.

Албатта, болажонлар ҳам эсдан чиқиб қолмаётгани йўқ. Ўтган йили аъзоларнинг 73 нафар фарзанди Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда дам олган бўлсалар, бу йил улар сони 112 нафарни ташкил қилди. Туманинг ўзида 3 та оромгоҳ ташкил қилиниб, 960 нафар ўқувчи мазмуни ҳордик

гина қилиб ифодалади:

— Тақдир менинг бошимга етимлик синовини солди. Лекин атрофимда фақат яхши одамлар бўлганиги тўғайли ҳеч қачон меҳр гадоси бўлмадим. Шунинг учун ўзимни бахтли ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам бошқаларга яхшилик қилишни қарз деб биламан.

Мухаббат Тўрабоева,
«Ishonch» мухбири

Шукрона

Айёлингиз муборак бўлсин!

Аллоҳнинг инояти ва истиқлол шарафати ила юртдошларимизни мана шундай улуг айём билан муборакбод этиш шарафига муяссар бўлиб турибмиз.

Рамазон ҳайитининг фазлу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айласин. Бу улуг байрам кунини Ислом оламидаги барча имон-этиқодли мусулмонларнинг қалблари равшан, диллари хушнуд, нигоҳлари муқаддас Каъбага қаратилган бўлиб, улар Аллоҳ таолонинг фазлу карамидан умидвордирлар.

Маълумки, бу кунда барча мусулмонлар бир-бирларини байрам билан қутлаб, бирор сабабга кўра аразлашган, гина-қудуратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида ўзаро уэр сўрашиб, бир-бирларига кучоқ очадилар.

Мўмин мусулмонлар фақатгина шу кунларда эмас, балки йил давомида бир-бирларига бўладиган муомала-ю муносабатларни яхши қилмоқлари лозим. Аллоҳнинг берган неъматларидан хайр-эхсон қилиш, меҳр-мурувватга муҳтож кишиларга эзгулик улашиш чин инсоний фазилатдир.

Ислом дини кишиларни бир-бирига меҳру-оқибатли бўлишга чақириши билан бирга, улар-

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, мамлакатимизнинг 20 йиллик байрамини ва муборак Рамазон ҳайитини элу юртимизда тинчлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжихатлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ҳиммат ва саховат каби аъноаларимиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда, кўтаринки руҳ билан қутиб олмақдамиз. Кунини кеча Президентимизнинг Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги Қарори қабул қилиниши юртимизда ёши улуг кексаларга ҳурмат-эҳтиром ҳамда азалий аъноаларимиз бўлмиш мусулмончилигимизга алоҳида эътибор қаратилганнинг ёрқин далилидир. Унда ҳайит байрамини жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширишга қатор мутасадди ташкилотлар жалб қилинган. Буларнинг барчаси халқимизга янада қувонч бахш этади.

ни динидан, миллатидан қатъи назар ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Курьони Каримда: «Аллоҳга ибодат қилингизлар ва Унга ҳеч нарса ни шерик қилмангизлар! Ота-оналарга эса яхшилик қилингизлар. Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшини ва бегона қўшини, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилингиз!)» — дейилган. (Нисо сураси, 36-оят).

Мазкур даъват жамятнинг бирлиги, унинг аъзолари орасида дўстликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиладди.

Рамазон ҳайити кунини кексаларни зиёрат қилиш, қалби эзгуликка муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш, умуман, байрамнинг кўркига кўрк қўшадиган амаллар билан ўткариш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, гуруҳ-гуруҳ бўлиб фотиҳага бориш, улуг байрамни мотамга айлантириш бидъат-хурофот амаллардан

лик» ва «Саховат» уйларига бир қанча хайри ишлари амалга оширилди.

Зеро, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимда-ким бир биродарига енгиллик яратиб берса, Аллоҳ унга қиёматда енгиллик беради», — деб марҳамат қилганлар. Курьони каримда зикр этилган: «Хайри, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг», — деган чақириққа жавобан хайрли ишларга ошиққан одамгина бундай фазилатга эга бўлади.

Аллоҳга беадад ҳамду санолар бўлсинки, Рамазон ойи давомида Республикаимиздаги барча масжидларда мўмин-мусулмонларимиз тарових намозларини имон ва ихлос билан эмин-эркинликда адо этдилар. Кўпчилик масжидларда хатми Курьонлар ўқилиб, юртимиз тинчлиги, элимизнинг фаровонлигини Аллоҳ таолодан сўраб дуолар қилинди.

Ифторлик маросимларида исрофгарчиликка йўл қўймастик, Рамазон байрамини таъзияхонликка айлантирмастик борасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Азиз юртдошлар! Сизларни яна бир бор улуг айём — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи ҳамда Рамазон ҳайити муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Ушбу саодатли онларда Аллоҳ таолодан мўмин-мусулмонларнинг тутган рўзалари, барча эзгу амалларини хусни қабул айлаши ҳамда Ватанимизга ободлик, халқимизга янада фаровонлик, дастурхонимизга қут-барака ато этишини сўраб дуолар қилямиз.

Абдуразоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари

Эътироф


Кўзим нуридасан,
хуррият!

Ватани онага, ҳар сиқим туپроғини олтинга қиёс қилямиз. Дарҳақиқат, «Ватан нима?» деб сўраганларга, Ватан — онам, оилам, корхонам, бугуним, эртан, дегим келади.

Мана 20 йилдирки, юртимиз чирой очиб, гуллаб-яшнаб бормоқда. Бизнинг олис қишлоқларимизда ҳам янгидан қишлоқ врачлик пунктлари, коллежу академик лицейлар, спорт, мусиқа мактаблари барпо этилди. Буларнинг бари ёшларни кенг салоҳиятли, юксак маънавиятли, энцил, абжир, соғлом бўлиб камолга етиши учун кўрсатилган ғамхўрлик намунаси-дир. Йилларнинг номланиши ҳам халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий, интеллектуал ҳақ-ҳуқуқлари янада чуқурроқ ҳимояланиши билан уйғунлашиб кетган. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар, Репродуктив саломатлик марказларининг фаолият кўрсатаётгани соғлом авлодни воёга етказишда муҳим омил бўлмоқда.

Тиббиёт бирлашмасида ўтаётган «Йилнинг энг яхши врачлари», «Энг яхши ҳамшира» қўриқ-танловлари, Наврўз шодиёналари, нафақага кузатиш тадбирлари, ўтганлар хотирасини ёдга олиш маросимлари ва касб байрамларида ходимларимиз юзидига шукроналик ифодасини қўриб, Ватанимиз тинчлигига қўз тегмасин, дегим келади.

Абдурашул Чўлибоев,
Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси



Таълим, фан ва маданият ходимлари
касаба уюшмаси Фарзона Вилоят Кенгаши

Ўзбекистон халқини ва соҳа ходимларини энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг

20 йиллиги билан самимий қутлайди. Юрт тинчлиги ва фаровонлиги, элимиз бахт-саодати, фарзандларимиз камолли барчамизни янги-янги зафарларга чорлайверсин.

1 sentabr —
Mustaqillik kuni



"Фарҳод мадад шифо" хусусий клиникаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси



Тармоқ ходимлари ҳамда барча
юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз
байрам — истиқлолимизнинг 20 йиллиги
билан табриклайди.
Ҳаммага сўхат-саломатлик, узоқ умр, Ватан
равнақи йўлидаги хайрли ишларида
муваффақиятлар тилайди.
Хонадонингиздан файзу барака аримасин!

Клиника давр талабига жавоб бериб, унда замонавий тиббий диагностика ва даволаш усуллари амбулатор ва стационар шароитда олиб борилади.
Беморларга юқори малакали мутахассислар: терапевт, кардиолог, невропатолог, эндокринолог, гинеколог, окулист, функционал диагностика шифокорлари хизмат кўрсатади.
Клиникада терапия, кардиология, эндокринология, физиотерапия, сув билан даволаш, функционал диагностика, лаборатория бўлимлари мавжуд.
Функционал диагностика бўлимида УТТ, ЭКГ ва Холтер мониторинги (юрак ритми ва қон ай-
ланишининг бузилишини бир суткалик электрокардиограммада ёзиб олиш усули), Нейрофизиологик (ЭЭГ, РЭГЭхо, ЭГ аппаратида бош миёдаги патологик жараёнларни аниқлаш) усуллар мавжуд.
Лаборатория бўлимида клиник ва биохимик таҳлилларнинг барча турлари мавжуд.
Физиотерапия бўлимида куйидаги муолажалар қилинади: электр токи, иссиқлик ва нур, магнит лазер билан даволаш, парафин ва озекерит аппликациялари, ингаляция, уқалаш, даволаш физкультураси, шифобахш чойлар.
Сув билан даволаш муолажалари: сув ости уқалаш, циркуляр, Шарко душлар, куруқ ва сув ости умуртқа погонасини тортишдан иборат.
Тузли, хвойли, йодобром (Чортоқ минерал суви концентрати) ванналар қабул қилиш имконияти мавжуд.
Клиникада беморларга қулай шароитли бир ва икки ўринли люкс ва оддий хоналар мавжуд. Беморларга тўрт маҳал мазали, сифатли ва парҳез таомлар берилади.
Бизнинг клиникамизга марҳамат!
Манзил: Қўрай тумани, Зебунисо кўчаси 8-«а»ўй.
Тел: (+99871) 2892466, 8(37095)61843

Агроеансат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши



Мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса кўшиб келаётган барча юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги билан қизғин қутлайди.
Меҳнатсевар, бунёдкор халқимизга мустаҳкам соғлик, хонадонларига тинчлик ва хотиржамлик, дастурхонларига тўкин-сочинлик, эзгу ишларида омад тилайди.

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси



Халқимизни
1 сентябр — Мустақиллик куни билан табриклайди!
Монажон Ватанимиз ҳар жаҳада дунё бўйлаб юксалаверсин!
Серкўёш Ўзбекистонимизнинг тинч-тотувлигига, фаровонлигига кўз тегмасин.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши

Барча соҳа ходимлари ҳамда юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги билан муқобабод этади. Илоҳим эркин ва фаровон турмушимизга кўз тегмасин!
Ушбу шукрати кунларда баргала сўхат-саломатлик, фаровон ҳаёт, омалий бахт, улкан Зафарлар тилайди.

Байрамга пешвоз чиқиб...

Поп шаҳрида жойлашган Маданият саройида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида тадбир ташкил этилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси, «Камолот» ЕИХ, маданият ва спорт ишлари, вилоят бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Маънавият ва маърифат туман бўлими кенгашлари ҳамда Ўзбекистон Миллий тикланиш ва Халқ демократик партиялари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда 30 дан ошиб меҳнат фахрийлари, 200 нафар кам таъминланган, кўп болали оила фарзандлари, 160 нафар ёш, фаол ўқитувчилар, шунингдек, 12 нафар ёш тадбиркор-хунарманд иштирок этишди.

Буюк ва тарихий ҳодиса — Мустақиллик моҳияти юзасидан Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси раиси Дилшод Деҳқонов, «Камолот» ЕИХ туман бўлими кенгаши раиси Эркинжон Аскарлов ва бир қатор меҳнат фахрийлари билдирган фикр-мулоҳазалар барчага манзур бўлди.

Хаваскор санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури тадбирга файз киритди. Шунингдек, тумандаги ёш хунармандлар кўргазмаси намойиш этилди.

Анжуман нихоясида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси томонидан 30 нафар ёш, ташаббускор ўқитувчи, 20 нафар меҳнат фахрийсига эсдалик совғалари берилди. 30 нафар кам таъминланган оила фарзандига ўқув қуроллари топширилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

**Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси,
кимё саноати ва геология ходимлари
касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши**

Соҳа ходимлари ҳамда барча юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги билан муборакбод этади.

Илоҳим, эркин ва фаровон турмушимизга кўз тегмасин!
Ушбу шуқуҳли кунларда барчага сиҳат-саломатлик, фаровон ҳаёт, оилавий бахт, улкан зафарлар тилайди.



Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Шофиркон туман кенгаши

Соҳа ишчи-ходимларини, барча юртдошларимизни улуг айём — Мустақилликнинг 20 йиллиги билан қутлайди.



Ушбу айёмда юртдошларимизга мустақкам соғлиқ, ҳамиша хурсандчилик, мамлакат истиқболи йўлидаги улкан ишларида зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади!

Таълим ва фан ходимлари Булунғур туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси

*Тармоқ
ҳодимлари ҳалқа
серқуёт юртимиз
аҳлини Шетда юл айёми
билан сийланиб
табриклайди.*

Юртимиз тинч, халқимиз ҳамиша соғ-омон, фарзандларимиз баркамол бўлсин!
Ўзбекистонимизнинг шуҳрати жаҳон узра янада ортаверсин!



Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши

Ўзбекистон халқини ва тармоқ ходимларини Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳамда Рамазон ҳайити билан муборакбод этади.

Озод ва обод юртимиз янада ривож топиб, дунё миқёсида юксалаверсин!



Таълим ва фан ходимлари Пайариқ туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси

Юртимиз аҳли ва тармоқ ходимларини Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳамда Рамазон ҳайити билан табриклайди.

Озод ва обод юртимизнинг жамолига кўз тегмасин!





Байрам тухфалари



Кутлуг кунлар арафасида нуроний отахону онахонлар ҳолидан хабар олиб, уларни зиёрат қилиш халқимизнинг эзгу анъаналаридан. Бундай хайрли иш нафақат қавму қариндош, ўғилу қиз, балки маҳалладошу ҳамшаҳарлар қаторида қорхона ва ташкилотларнинг ҳам хайрли юмушига айланган.

Шодлик улашиб

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Курортлар бошқармаси томонидан бир гуруҳ фахрийларга байрам совгалари улашилгани ҳам сўзимизнинг исботидир. — Тўғриси, байрамда бу қадар эътиборга мушарраф бўлишни кутмагандим, — дейди 92 ёшли истеъфодаги генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов. — Ҳаяжонланганимдан титроқларим ҳануз босилгани йўқ. Бу дориломон кунларни қадрлаш, тиңчилик ва хурликнинг нақадар бебаҳо неъмат эканини ҳар бир ёш авлодга бот-бот ағлатиш зарурий эҳтиёждир. Бугунги хурсандчилик дамларни ташкил этиб, биз кексаларга шодлик улашганларга миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, тақдирланганлардан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти, 90 ёшли Зиқир Муҳаммаджонов, 100 ёшли Моҳина она Ҳасанова, «Жасорат» медали соҳиби, 86 ёшли А.Беличко каби фахрийлар ҳам тадбир ташкилотчиларига мамнуният изҳор этишди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири. Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Ходимлар саломатлигини тиклаш, улар ўртасида спорт тадбирлари уюштириш қасаба уюшмалари тизимида анъана тусини олган. Яқинда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши ташаббуси билан Бўстонлик туманидаги «Куёшли» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллига бағишлаб X Республика «Саломатлик» спартакиадаси ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан икки юз нафарга яқин соҳа ходимлари энгил атлетика, стол тенниси, волейбол, арқон тортиш, дартс бўйича куч синашдилар.




Ғалаба — барчамизники!

Спартакиада



24 август. Соат 10:00. «Куёшли» оромгоҳи байрамона безатилган. Майдонда саф тортган иштирокчиларнинг юз-кўзида ўзгача кувонч ҳукмрон. Тадбирни Марказий кенгаш раиси Бахтиёр Маҳмадалиев очди: — Истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда қатор ютуқлар қўлга киритилди. Буларнинг барчаси тизимда меҳнат қилаётган сиз каби фидойи касб эгаларининг меҳнатларингиз самарасидир. Мусобақанинг биринчи ва иккинчи кунлари барча турларда беллашувлар бўлиб ўтди.



Айниқса, волейбол, стол тенниси, арқон тортиш ва дартс бўйича ўтказилган беллашувлар қизгин тус олди. Финал мусобақалари ниҳоятда кескин курашларга бой бўлгани билан эсда қоларли кечди. Иштирокчиларнинг фикрлари билан қизикдик. Гулсунай Ибодуллаева, Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси шифокор-лаборант: — Бўлимлар ўртасидаги саралаш беллашувларида ғолиб бўлиб, спартакиада-нинг республика финал баҳсларига йўл олдик. Бугунги спартакиадада волейбол бўйича қатнашдик. Рақибларимиз ҳам пухта тайёрланган экан. Муссафо ҳаво, ажойиб табиат кўйида мусобақалашиб ўзгача куч ва шижоат бағишляпти. Ҳам маза қилиб хордиқ чиқараямиз, ҳам беллашувларда қатнашаямиз. Бухоро, Наманган, Фарғона вилоятидан келган ҳамкасбларимиз билан танишдик, дўстлашдик, тажриба алмашдик.

Ғача этиб бордик ва совриндорлар сафидамиз. Озод Адиллов, Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма кенгашининг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси: — Ангил атлетикада икки нафар вакилимиз — Ҳусниддин Арлохонов ҳамда Гулзие Эркаева спортда ҳам иқтидорга эга эканлигини намойиш этишди. Умуманда ҳам вилоятимиз биринчилиқни қўлга киритди. Карим Ботиров, Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси қасаба уюшма кўмитаси раиси: — 12 нафар ходимимиз волейбол, энгил атлетика ва стол тенниси беллашувларида иштирок этди. Вилоятда ўтказилган саралаш мусобақасида учинчи ўринни олгандик. Бу ерда эса рақибларимиз устунлик қилди. Шундай бўлса-да, ушбу нуфузли тадбирда қатнашганимиздан хурсандимиз. Гулзие Эркаева, Тошкент вилояти: — Ангил атлетикада эгичлик, қаққонлик ва кучликлик ғалаба қозонади. Бугун озми-кўпми шу уч жиҳатни ўзимда бирлаштира олганимдан хурсандим. Бор имкониятими ишга солиб, биринчи ўринга сазовор бўлдим. Уч кун давом этган кескин ва мурасасиз курашларга бой мусобақа поёнига етди. Унда ҳеч ким ўзини мағлуб ҳис этмади. Аксинча, барча иштирокчилар ўз уйларида олам-олам таассурот билан қайтишди. Ҳакамлар ҳулосасига кўра, умумжамоа ҳисобиде биринчи ўринни Тошкент вилояти вакиллари эгаллаган бўлса, кейинги ўринларга Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари жамоалари лойиқ деб топилди.

Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Тантаналар давом этмоқда

Термиз шаҳридаги амфи-театрда вилоятнинг мустақиллик байрамига бағишланган асосий тадбирлар ўтказилди. М. Уйғур номидаги вилоят мусикали драма театри, шаҳардаги ўқув юртлири талаба-ўқувчилари, спортчилар, харбийлар оркестри, болалар фольклор жамоалари, вилоят «Баркамол авлод» болалар маркази қатнашчилари байрам дастурини ўтказишда фаол иштирок этдилар. Шунингдек, пойтахтдан ташриф буюрган тананиқли санъаткорларнинг куй-қўшиқлари томошабинларга кўтаринки кайфият бағишляди. Вилоят ижодий-ташкилӣ гуруҳи бошчилигида туманларда ҳам тантанали тадбирлар юксак савияда ўтказилди. Айни пайтда барча ҳудудда халқ сайлалари уюштирилмоқда. М.КАРИМОВА

Тўйлар муборак!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш йўлида Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. — 2009 йилда Охунбобоев номи сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги «Чорва» қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида янги уйлар барпо этиб, бир қанча фуқароларга топширдик. Аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда уй-жойга бўлган эҳтиёжни қондириш муаммосини ҳал қилаёмиз. Шунингдек, бу эзгу ишларни ҳар йили бошқа-бошқа ҳудудларда давом этказишни режалаштириб олдик, — деди Сарийосиё тумани ҳокими, Ўзбекистон

Олий Мажлиси Сенати аъзоси Нормўмин Чориев. — 2010 йилнинг охирида «Хур ватан» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида, замонавий лойиҳалар асосида 50 та уй-жой қурилиши бошланган эдик. «Шарғун-Бунёдкор» ИТҚК, «Одилбек-Таъмир қурилиш» ИТҚК, «Шарғун тоғон сервис» ҳамда «Муродкафолат» хусусий қорхоналарининг саъй-ҳаракати билан ушбу уйлар сифатли ва кўркам қилиб қурилди. Ҳозирда сўнгги пардозлаш ишлари кетаяпти. Ҳа, «Хур ватан» маҳалласини оралаган киши замонавий уйларни кўриб ҳаваси келади. Қаҳрамон ва Ҳасан Аҳмедов, Шароф Турсунов, Ҳафиза Ҳамдамова, Ойбек Норқуллов каби бир қатор ватандошларимиз эса юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган кунда янги уйларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйларини ўтказишни бошлаб юборишган. Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Самарқанд туманидаги Янгиариқ массивида замонавий лойиҳалар асосида юзта уй-жой қурилиши жадал давом эттириляпти. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамга 40 та хонадон уй тўйи уланадиган бўлди. Янги соҳиблар ҳар жиҳатдан қулай, шинам ва кўркам ҳовли-жойларга кўчиб ўтидилар. Ҳа, «Хур ватан» маҳалласини оралаган киши замонавий уйларни кўриб ҳаваси келади. Қаҳрамон ва Ҳасан Аҳмедов, Шароф Турсунов, Ҳафиза Ҳамдамова, Ойбек Норқуллов каби бир қатор ватандошларимиз эса юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган кунда янги уйларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйларини ўтказишни бошлаб юборишган. Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Янги марказ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясига қарашли «Бўстон» санаторийси» масъулияти чекланган жамиятида «Маънавият-маърифат маркази»нинг очилиши ҳамда Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган тадбир ташкил этилди. Марказга кирар экансиз, аввало, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлардан сўзловчи баннерларга кўзингиз тушади. Унг томонда ташриф буюрувчилар учун ўқув хонаси дид билан жиҳозланган. Рўпарада эса мўъжазгина кутубхона. Тўғрига юрсангиз, маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган катта залга чиқасиз. — Бу ерда масканимиз ходимлари ва дам олувчилар учун барча шароитни яратишга ҳаракат қилдик, — дейди санаторий маънавият-маърифат бўлими бошлиғи Ҳожа Норматова. — Улар кутубхонамиздаги бадий китобларни мутолаа қилиши, маданий тадбирларимизда фаол қатнашишлари мумкин. Истиқлолимизга бағишланган тадбир ҳам гоят мазмунли ўтди. Унда халқимиз ардоғидаги санъаткорлар, санаторий ходимлари ва дам олувчилари иштирок этишди. — Масканимизда қўлаб эътиборга молик тадбирларни ўтказиш анъанаси айланган, — дейди санаторий раҳбари Фарида Акбарова. — Масалан, яқинда «Навқирон журналистлар» медиа оромгоҳи ташкил этилган эди. Айни пайтда эса «Келажак овози — 2011» медиа оромгоҳи давом этмоқда. Ижодкор ёшлар ва дам олувчиларимизнинг янада мазмунли хордиқ чиқаришида айнан шундай марказ жуда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

Қарши шаҳрида бир йўла 50 нафар мижозга хизмат кўрсатадиган меҳмонхона фойдаланишга топширилди. «Ўзбекистон» кўчасидаги «Ёшлик» деб аталадиган гўзал мажмуани «Ёшлик» хусусий қорхонаси жамоаси бунёд этди. Бир ва икки кишилик хоналар замонавий меҳмонхона бизнеси ҳам йўлга қўйилди. «Қишлоқ қурилиш банк»нинг вилоят бўлимидан олинган кредит қорхона фаолиятини янада яхшилаш имконини берди. Иzzат ҲИҚМАТОВ

Шаҳарга ярашган цех, хонахона

Жамоа раҳбари Қаҳрамон Қаршиевнинг таъкидлашича, қорхонада макарон, нон, қандолат каби махсулотлар ишлаб чиқариш, савдо ва умумий овқатланиш соҳалари қатори меҳмонхона бизнеси ҳам йўлга қўйилди. «Қишлоқ қурилиш банк»нинг вилоят бўлимидан олинган кредит қорхона фаолиятини янада яхшилаш имконини берди. Иzzат ҲИҚМАТОВ

Ҳошийлар кўлаги

Нуробод туманида қўлаб иншоотлар фойдаланишга топшириляпти. Жумладан, байрамга тўёна сифатида Сепки маҳалласида меҳмонхона ишлаб чиқариш, Улус маҳалласида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, Шўробод маҳалласида 17 та намунавий лойиҳадаги турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, тумандаги 50 та кам таъминланган оилага ҳошийлар ёрдами кўрсатилди. Ҳа, «Хур ватан» маҳалласини оралаган киши замонавий уйларни кўриб ҳаваси келади. Қаҳрамон ва Ҳасан Аҳмедов, Шароф Турсунов, Ҳафиза Ҳамдамова, Ойбек Норқуллов каби бир қатор ватандошларимиз эса юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган кунда янги уйларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйларини ўтказишни бошлаб юборишган. Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Logo: Insonga naf keltirish... Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi... Bosh muharrir: Abdusolih Abdurazzoqov... Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV... Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar... Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy... Nashr ko'rsatkichi: 133... Navbatchi muharrir: A. Abdullayev, A. Arslonov, S. Shodiyeva... Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullallov... Boshqaruvi: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasiida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy... Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatlida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Muxbirlar fikri tahririyat nuqtai nazaridan foydalanilmas.